

ФАНДА ТОЛЕРАНТЛИК ВА ИНТОЛЕРАНТЛИК



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-41-48>

Тураев Бахтиёр Оманович

Фалсафа фанлари доктори(DSc.), профессор.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директор маслаҳатчиси,

фалсафа фанлари доктори, профессор

Тел. +998662402023; +998990301104;

Телеграмм: +998944031104.

АННОТАЦИЯ

Мақолада фандаги парадигматик ўзгаришлар жараёнида фикрлаш стереотиплари намоён бўлиши таҳлил қилинган (ўтган асрлардаги илмий назариялар ва илмий ҳақиқатларни деструктив инкор қилиш мисолида).

Таяч сўзлар: *радикал қарашлар, фикрлаш стереотиплари, евклид геометрияси, евклид бўлмаган геометрия, табиий танланиш назарияси, антидарвинистлар, эволюцион назария, барқарорлик, ўзгарувчанлик, бағрикенглик, интолерантлик.*

ТОЛЕРАНТНОСТЬ И ИНТОЛЕРАНТНОСТЬ В НАУКЕ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется стереотипы мышления в парадигмальных изменениях в науке (на примере деструктивных отрицаний научных теорий и научных истин прошлых веков).

Ключевые слова: *радикальные взгляды, стереотипы мышления, евклидово геометрия, неевклидово геометрия, теория естественного отбора, антидарвинисты, эволюционная теория, устойчивость, изменчивость, толерантность, интолерантность.*

TOLERANCE AND INTOLERANCE IN SCIENCE

ABSTRACT

The article analyzes the stereotypes of thinking in paradigmatic changes in science (on the example of destructive negations of scientific theories and scientific truths of past centuries).

Keywords: *radical views, thinking stereotypes, Euclidean geometry, non-Euclidean geometry, theory of natural selection, anti-Darwinists, evolutionary theory, stability, variability, tolerance, intolerance.*

КИРИШ

Жаҳонда фаннинг обрўси кенг миқёсда кўтарилиб бораётган, янги-янги кашфиётлар очилаётган бир даврда фан тараққиётида шундай плюралистик ёндашувлар пайдо бўлдики, бундай ёндашувлар бир томондан фанда ҳурфикрлиликнинг тараққиётига кенг йўл очса, бошқа томондан эса илмий жамоатчилик томонидан тан олинган оддий ҳақиқатларга ҳам ҳужум қилувчи, бир ёқлама, фан ютуқларига деструктив ёндашувчи радикал қарашларнинг ҳам вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, фан тараққиётидаги парадигмал ўзгаришлар оламга классик нуқтаи назардан ёндашувнинг чегараланганлигини ҳам кўрсатмоқда, XX аср бошида классик дунёқараш ўрнини эгаллаган ноклассик ёндашувлар, XX асрнинг охирига келиб ўз ўрнини постклассик дунёқарашга бўшатиб берди. Бундай ўзгаришлар эскирган дунёқарашнинг чегараланганлигини ва у янгича ёндашувлар билан бойиб, янгича дунёқарашнинг шаклланишига туртки бўлаётганлигини кўрсатади. Аммо, тафаккур инерцияси туфайли айрим кишилар ҳали тўлиқ исботланмаган хулосаларни ҳам деструктив ғоялар таъсирида исботланган деб қабул қилиб, эски назарияларни бутунлай инкор этишга уринишди. Фандаги парадигмал ўзгаришларни айрим тадқиқотчилар классик фаннинг батамом инкор этилиши ёки унинг кераксиз буюмдек улоқтириб ташланиши деб тушунишмоқда.

Фан тараққиётида ҳар бир ғоянинг, илмий концепция ва назариянинг ўз ўрни борлигини тан олишимиз лозим. Масалан, Евклид геометриясининг Гаусс, Риман, Лобачевский, Боляйилар томонидан яратилган ноевклид геометрияси¹ ғоялари билан бойиганлигини, Евклид геометриясининг кераксизлиги исботланди деб эмас, балки Евклид илгари сурган геометрик ёндашувнинг ягона ёндашув эмаслиги исботланди деб билишимиз керак.

Шу сингари Ньютон концепцияси ҳам, Галилей фазо-вақт алмаштиришлари ҳам фанда ўзининг мустаҳкам ўрнига эга. Эйнштейн асослаган релятивистик физика, фазо-вақтнинг Лоренц алмаштиришлари, Минковскийнинг псевдоевклид геометрияси эса классик физикани ҳар тарафлама бойитди. Бугунги кунда вужудга келаётган турли хил космологик

¹ См.: Холтон Дж. Тематический анализ науки. М.:Прогресс, 1981. С.167.

концепциялар ҳам классик космологик моделларнинг такомиллашган кўринишидир. Фандаги ўзгаришлар “фан тараққиётида босиб ўтилган илмий назарияларни ташлаб юбориш керак” деган (нотолерант) фикрга олиб бормаслиги лозим.

Ҳозирги замон гравитация концепциясидаги суперторлар назарияси (суперструнная теория) мегадунё ўлчовлари билан микродунё ўлчовларини бирлаштирувчи назариядир² ёки Роджер Пенроуз илгари сурган фазо-вақтга тивистор қараш Минковский ёндашувининг замонавий такомиллашган кўринишидир³ деб ҳисобласак тўғрироқ бўлади.

Хуллас, фанда ҳар бир назариянинг ўз ўрни бор. Фан тараққиётига деструктив (вайрон этувчи) инкор нуқтаи назаридан туриб ёндашиш тараққиётдаги ворисийликни тан олмаслик ва мазкур масалага нотолерант ёндашувдир. Бундай ёндашув методологияси кейинги даврларда эса биология фанларида ҳам учрамоқда.

Маълумки, мустабид тузум шароитидаги фанда оламга бир ёқлама (ўзгача ёндашувларни инкор этувчи) коммунистик ёндашув ҳукмронлик қилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бундай ёндашувнинг асосий моҳиятини оламга курашчан материалистик ва атеистик, партиявийлик ва синфийлик нуқтаи назардан қараш ташкил этар эди. Бу тарздаги ёндашув нотолерант мафкуравий ёндашувлардир. Чунки, бундай қарашлар материалистик, атеистик, коммунистик ғоялар ва ишчилар синфи манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқувчи қарашлар бўлиб, унинг тарафдорлари ўзгача қарашларни илмдан ташқари қарашлар деб эълон қилган эди. Бошқача қарашлар уларнинг ўлчови доирасига сиғмас эди.

Бугунги кунга келиб тафаккур эркинлигига эришдик, масалаларга плюралистик ёндашув расмга айланди. Аммо, бу эркинликни бирёқлама, деструктив инкор тарзида тушунувчилар ҳам пайдо бўлди. Уларнинг баъзилари эса “курашчан материализм ва курашчан атеизмга қарши кураш” шиори остида инсониятнинг тарихий тараққиётида эришган барча илмий қадриятларларга ёппасига уруш эълон қила бошлашди⁴.

Мана шундай хуружлардан бири ер юзидаги табиий тараққиётнинг эволюцион концепциясига қарши йўналтирилди. Бир пайтлар шундай хужумни айрим мутаассиб илоҳиётчилар эволюцион концепцияни илгари сурган олим

² См.: Девис П. Суперсила: Поиски единой теории природы. М.: Мир, 1989. С. 182-185.

³ См.: Пенроуз Р. Твисторный взгляд на пространство-время. // Хокинг С., Пенроуз Р. Природа пространства и времени. СПб.: Амфора, ТИД Амфора, 2009. С.127-145.

⁴ Роберт Антон Уилсон. Новая Инквизиция. Перевод с англ. – Киев: «Janus Books», С.Пб.: ООО ЭТО «Экслибрис», 2003.

Чарлз Роберт Дарвин(1809-1882)га қарши қаратишган эди. Дарвин диндор бўлган ва унда диний ақидаларни рад қилиш мақсади ҳам бўлмаган. Лекин, уни эволюцион назарияси учун руҳонийлар шаккокликда айблай бошлашди⁵. Дарвиннинг илмий кашфиёти фанда антропогенез илмий назариясининг алоҳида бир концепцияси ҳисобланади.

Ҳозирги замон фанларида инсонни билишнинг ҳам биологик, ҳам социал жиҳатларининг уйғунлиги муаммоси антропогенез дейилади. Бу концепцияга кўра, инсон ҳам (яъни хордалилар турига, умуртқалилар тур остига, сут эмизувчилар синфига, приматлар отрядига, гоминидлар оиласига кирувчи) биологик организм, ҳам (ижтимоий жараёнларнинг, маданиятнинг яратувчиси, ташувчиси бўлган) социал мавжудоддир. Бу узоқ йиллар давомида ривожланиб келган биология фанининг илмий асосланган хулосаси.

Эволюцион концепциянинг шаклланишида 18-19 асрларда кўплаб табиатшунос олимларнинг машаққатли меҳнатлари орқали тўпланган катта миқдордаги эмпирик материаллар муҳим роль ўйнаган. Ч.Дарвиннинг ўзи “Бигл” кемасида дунёни 5 йил мобайнида (1831-1836) кезиб зоология, ботаника, геология, палеонтология, антропология ва этнографияга оид жуда кўплаб кузатишлар олиб бориб, эволюцион тараққиётни ҳар тарафлама исботловчи ашёвий далиллар тўплаган. Бу материаллар эволюцион назариянинг қарор топишига асос бўлган.

Эволюция назариясининг асослари Ч.Дарвиндан анча илгари яратила бошлаган. Дастлаб, француз табиатшунос олими Ж.Б.Ламарк (1744–1829) табиатнинг эволюцияси ҳақидаги яхлит концепцияни ишлаб чиққан. Бу концепцияга кўра тирик организмлар доимо ташқи муҳитдаги шарт-шароитларнинг таъсири ва ўзларининг такомиллашишга бўлган ички интилишлари туфайли доимо мураккаблашиб борган. Шунингдек, Ч.Дарвиннинг бобоси Э.Дарвин (1731–1802) ҳам 1796 йили ҳаётнинг эволюцияси назариясини поэтик тарзда ифодаловчи “Зоономия” деган поэма ҳам ёзган⁶.

Ч.Дарвиннинг 1859 йили ёзган “Табиий танланиш йўли билан турларнинг келиб чиқиши” ва 1871 йили ёзган “Одамнинг келиб чиқиши ва жинсий танланиш” каби асарларида органик дунёнинг эволюцион тараққиёти асосида учта омил ётади деб кўрсатади.

⁵ Концепции современного естествознания: учебник (под ред. В.Н.Лавриненко, В.П.Ратникова.). М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2008. С.252-253.

⁶ Ўша манба.

Улар: ўзгарувчанлик, ирсият ва табиий танланиш. Ўзгарувчанлик туфайли организмларнинг тузилиши ва функцияларида янги белгилар, ўзгаришлар пайдо бўлади, ирсият эса бу ўзгаришларни мустахкамлайди, авлоддан авлодга ташийдди, табиий танланиш туфайли яшаш учун кураш жараёнида ҳаётнинг ўзгарган муҳитига мослаша олмаган организмлар биринкетин йўқолиб боради, мослаша олганлари эса, ҳаёт кечирини, яшашини, тараққиётини давом эттиради.

Шундай қилиб Чарлз Дарвин органик дунё эволюциясининг асосий ҳаракатлантирувчи кучларининг негизини топа олган эди. Лекин у инсоннинг вужудга келишидаги социал омилларни кўрсатиб бера олмади. Бу жиҳатлар антропосоциогенез концепцияси тарафдорлари томонидан такомиллаштирилди. Бу концепция тарафдорлари эса одамнинг пайдо бўлишида меҳнатнинг конструктив ролини кўрсатиб беришди. Уларнинг фикрича, қўлнинг, нутқнинг, миянинг, тафаккурнинг ривожланишида, кишиларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва социал жамоаларнинг вужудга келишида меҳнат фаолияти асосий роль ўйнайди. Чунки, меҳнат қилиш жараёнида одамларда меҳнат қуролларини такомиллаштириш эҳтиёжи ҳам вужудга келади. Одамлар меҳнат қуролларини такомиллаштириш жараёнида ўзларини ҳам тобора такомиллаштириб борган. Бу жараён ҳам табиий танланиш билан чамбарчас боғлангандир. Янги, самарадор ва қулай меҳнат қуроллари эса, эскирган, самарадорлиги кам, ноқулай меҳнат қуролларини сиқиб чиқараверган.

Коммунистлар дарвин назариясини курашчан материализм ва атеизм тарғиботи учун, коммунистик ғоянинг ҳаққонийлигини исботловчи назария деб, уни ғоявий қурол сифатида ишлатишга интиланди. Аслида бу концепция мафкурадан холи бўлган, органик дунёнинг эволюцион тараққиётини акс эттирувчи табиий-илмий назария эди.

Одамнинг пайдо бўлиши ҳақида турли хил бошқа концепциялар ҳам мавжуд бўлиб, улар креационистик (теистик) антропологик назария, генетик популяцияли эволюцион назария, мутацияли эволюцион назария, синтетик эволюцион назария, сальтационистик (ҳаётнинг вужудга келишини сакрашлар тарзида акс эттирувчи) эволюцион концепция, неокатастрофизм концепциялари ҳисобланади⁷.

Бу концепцияларда ҳам инсоннинг пайдо бўлишига турли хил ракурслардан туриб ёндашилган. Юқорида санаб ўтилган концепцияларнинг муаллифлари Ч.Дарвиннинг концепциясини турли тарафдан рад этишга

⁷ Горелов А.А. Концепции современного естествознания. М.:Библионика, 2006. С.123.

интилишган. Лекин, Ч.Дарвиннинг эволюцион назарияси органик олам тараққиётининг умумий механизмини очиб беришда муҳим роль ўйнайдиган фундаментал асосларга эга бўлган ҳаққоний табиий-илмий концепциядир. Бу концепцияга толерант ёндашиб, унга ҳозирги замон синергетик тараққиёт методологиясини тадбиқ этсак, органик дунёнинг эволюциясини чизикли ривожланиш тарзида эмас, балки ўзини-ўзи созловчи, ўзини-ўзи такомиллаштирувчи, ночизикли ривожланувчи система сифатида ёндашсак, бу концепциянинг қадри янада ошади ва шунда эволюцион концепциянинг ўта мураккаб қирраларини ҳам тўғри англаб етиш имконияти вужудга келади.

Бу концепция ҳали табиатшуносликда креационистик концепция, теистик концепциялар ҳукмронлик қилиб турган бир шароитда, масалаларга мураккаб система нуқтаи назаридан қараш ҳали расмга кирмаган бир шароитда ишлаб чиқилган эди. Шу сабабли бу назариянинг қиёмига етмаган жиҳатлари ҳам бўлган. Масалан, Чарлз Дарвин органик дунёнинг эволюцион тараққиёти занжири кетма-кетлигига назар ташлаб, одам ва маймунларнинг аجدодлари бир эканлиги ҳақидаги ғояни илгари суради. Айнан шу ғоя руҳонийларни ғазаблантирган.

Аслида у барча жониворларнинг, жумладан инсонлар ва маймунсимонларнинг келиб чиқиши, яратилишининг илдизи бориб-бориб бир нуқтада бирлашади дейиши ҳам мумкин эди. Аммо илмий ҳақиқатлар қуруқ эътиқодгагина, номаълум, мавҳум далилларгагина асосланиб илгари сурилмайди. Мавжуд илмий далиллар эса одам ва маймун организмнинг бир-бирига жуда яқинлигини, уларнинг аجدодлари ҳам тобора бир-бирига яқинлашиб борганлигини исботлайди. Ч.Дарвин ана шу ҳақиқатни асослаб берувчи, исботловчи илмий далилларни тўплай олганди.

Ч.Дарвин илгари сурган бу назария ривожланишнинг эволюцион йўлини ифодалаб берувчи, муҳим рационал фикр бўлиб, бу фикр инсониятга, унинг тараққиёти учун доимо хизмат қиладиган конструктив (бунёдкор) мазмунга эгадир. Уни инкор этиш, инсоният эришган илмий қадриятларга нисбатан нотолерант ёндашув ва уларни кўр-кўрона рад қилиш фанни обрўсизлантиришдир. Афсуски, фанга нисбатан интолерант муносабатда бўлувчиларга эргашувчилар ҳамон учрайди.

Агар бугун эволюцион назарияга нисбатан толерантликни чеклаб қўйсак, эртага нисбийлик назариясига, индин эса синергетикага, хуллас, барча илмий ҳақиқатларга нисбатан толерант ёндашувнинг инкор этилишига йўл очилади.

ХУЛОСА

Илмий назариялар олимларнинг йиллаб олиб борган машаққатли изланишлари туфайли вужудга келади ва улар кейинги авлодлар томонидан сайқалланиб, такомиллаштирилиб борилади. Дарвиннинг эволюцион назариясини бугунги кундаги илғор методологик услублар ёрдамида янада такомиллаштириш, органик дунё тараққиётининг келажагини башорат қила оладиган назария даражасига кўтариш бугунги илм аҳли олдидаги, табиатшунослар олдидаги энг масъулиятли вазифалардан биридир. Бу назария органик дунё тараққиётини тўғри тушунтирувчи илмдир.

Фан тараққиётида эволюцион концепцияси ҳам ўзининг ўрнига, қўлланилиш сферасига эгадир, уни сиқиб чиқаришга, инкор этишга бўлган ҳар қандай интилишлар фан тараққиёти қонуниятларини яхши билмаслик-дан, ёки бундай назарияларнинг моҳиятини чуқур англаб етмаганликдан далолат беради. Бошқа илмий назариялар сингари эволюцион назария ҳам фан тарихида ўз ўрнига, ўзининг қўлланилиш соҳасига эга ва бундай назарияларга нисбатан толерант ёндашиш фанда ўз самарасини беради.

REFERENCES

1. См.: Девис П. Суперсила: Поиски единой теории природы. М.:Мир, 1989. С. 182-185.
2. См.: Пенроуз Р. Твисторный взгляд на пространство-время. // Хокинг С., Пенроуз Р. Природа пространства и времени. СПб.: Амфора, ТИДАмфора, 2009. С.127-145.
3. Роберт Антон Уилсон. Новая Инквизиция. Перевод с англ. – Киев: «Janus Books», С.Пб.: ООО ЭТО «Экслибрис», 2003.
4. Концепции современного естествознания: учебник (под ред.В.Н.Лавриненко, В.П.Ратникова.). М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2008. С.252-253.
5. Горелов А.А. Концепции современного естествознания. М.:Библионика, 2006. С.123.
6. Saifnazarov, I., Muhtarov, A., Sulstonov, T., Tolibov, A. (2020) Religious tolerance, unity of knowledge and faith issues highlighting in Imam Bukhari Hadiths. International Journal of Advanced Science and Technology 29 (5), pp. 1846-1853.
7. Саифназаров, И. (2019). Толерантлик—комил инсон белгиси. Архив научных исследований.
8. Saifnazarov, I., Xujayev, M. (2018) Axmad Zaki Validiy islamic culture. Экономика и социум, 2, 55-57.

-
9. Саифназаров, И., Обидов, А. (2019). Динлараро ҳамжихатлик - ижтимоий барқарорлик омили. - Тошкент : Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, - 142 б.
10. Горелов А.А. Концепции современного естествознания. М.:Библионика, 2006. С.123.